



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 10 (13.343)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Қадрли юртдошлар!
Шу кунларда бутун халқимиз мамлакатимиз ҳаётидаги буюқ тарихий санани байрам қилмоқда. Яъни, Ватан ҳимоячилари кун ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги юртимизда кенг нишонланмоқда.

Ана шу қутлуг айём билан ўз ҳаётини Ватанни ҳимоя қилишдек энг улуғ ва олжанов ишга бағишлаган сиз, азизларни, сизларнинг тимолининг ҳаётда бутун халқимизни чин қалбидан самимий табриқлайман.

Бугун, ана шу шонли байрам кунда буюқ давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, муҳтарам Ислам Абдуганиевич Қаримовнинг ёрқин хотирасига барчамиз яна бир бор ҳурмат баҳо келтирамиз. Ўтган 25 йил давомида Қуролли Кучларимизни барпо этиш йўлида қўлга киритган бекиёс ютуқларимиз азиз Юртбошимизнинг номи билан чамбарчас боғлиқ эканини чуқур миннатдорчилик билан эсга оламиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунларда айнан Ислам Абдуганиевич намён этган принципиал позиция, сиёсий ирода ва азмуш жоғат тўғрисида миллий армиямизга асос солинди. 1992 йил 14 январда юртимиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тасарруфига ўтказилди. Ана, 25 йилдирки, ана шу тарихий кун Қуролли Кучларимиз пойдевори қўйилган, истиқлолимиз соҳнасидаги олтин ҳарфлар билан ёзилган буюқ сана сифатида байрам қилинмоқда.

Биринчи Президентимиз ўша оғир йилларда **“Ўзининг буюқ тарихи ва аждодларига муносиб ворис бўлган халқимиз мамлакат хавфсизлигини таъминлашга қодир армияни яратди”**, деб қатта ишонч билан айтган эдилар.

Бугунги кунда ана шу улкан ишончга ҳар томонлама лойиқ бўлган Қуролли Кучларимиз ташкил этилганини барчамиз қўриб турибмиз.

Ҳақиқатан ҳам, тарихан қисқа муддатда мамлакатимиз мустақиллигини, ҳудудий ахлиқлигини, чегараларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армия барпо этилди; деб гурур ва ифтихор билан айтишга бугун барча асосларимиз бор.

Собиқ Иттифок ҳудудида турли қуролли тўқнашув ва қарама-қаршиликлар юз бераётган гоёт мураккаб шароитда Ўзбекистон Қуролли Кучларига асос солинган, ҳеч муволафасиз айтиш мумкин, ёш давлатимизни қуриш жараёнида ҳал этилган буюқ вазифалардан бири бўлди. Айнан миллий армиямиз мамлакатимизда эркин, озод ва фаровон ҳаёт бунёд этиш, демократик ислохотларни самарали амалга ошириш йўлида ишончли қаролат, тоғдек таянч бўлиб келмоқда.

Айбатта, мустақиллиқнинг илк йилларида барча соҳалар каби ҳарбий йўналишда ҳам қўллаб оғир муаммолар тўпланиб қолган эди. Аввало, қўшинларнинг моддий-техник таъминот тизими талаб даражасида эмас эди. Ҳарбий тузилмалар ўзининг қурилиши ва жанговар таркиби бўйича янги пайдо бўлган таҳдидлар олдига заиф эди. Энг мушкул муаммо – малакали ҳарбий кадрлар етишмасди. Шунинг учун миллий армиямизни барпо этиш ва ислох қилиш бўйича ҳар томонлама чуқур ўйланган ва узоқ муддатга мулжалланган стратегия ишлаб чиқилди.

Ўтган чорак аср давомида ана шу стратегия асосида, Миллий хавфсизлик концепцияси ва Мудофаа доктринаси доирасида кўп ишлар қилинди. Юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театри ва унинг реал ҳусусиятлари, илгор хорижий тажрибалар ҳар томонлама ҳисобга олинди. Шу асосда ихчам, яхши таъминланган, юксак жанговар руҳга эга бўлган миллий армиямиз барпо этилди.

Қисқа муддатда ҳарбий округлар, чегара минтақалари, шунингдек, жанговар қобилиятга эга қўшин гуруҳлари, биринчи навбатда, мураккаб жанговар операцияларни амалга оширишга қодир бўлган Ички вазифалар корпуси ва Махсус операциялар бўйича кучлар ташкил этилди.

Бугунги кунда ҳарбий бошқарувнинг самарали тизими шакллантирилди. Қуролли Кучлар таркибда турли қўшинларнинг ўзаро мувофиқ ҳолда ва ҳамкорликда ҳаракат қилишини таъминлайдиган механизмлар фаолият кўрсатмоқда.

Ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизими принципиал жиҳатдан мутлақо янги асосга ўтказилди. Мустақиллиқнинг дастлабки йилларида маҳаллий офицер кадрлар юртимиздаги ҳарбий хизматчилар умумий сонининг – шунга эътибор беринг – атиги 0,6 фоизини ташкил этарди. Офицерларни тайёрлаш эса ўрта ҳарбий билим юртида ва бор-йўғи ўрта ҳарбий мутахассислик бўйича олиб борилар эди. Амалга оширилган ишлар натижасида қўшимча равишда янги, замонавий ўрта ҳарбий таълим муассасаси ташкил этилди, курсантларни ўқитиш тизими эса кўп тармоқли асосда йўлга қўйилди.

Юқори бўғин қўмондонлик офицерларини тайёрлаш ҳамда мудофаа қурилиши соҳасида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга оши-

риш бўйича энг зарур вазифалар самарали ҳал этилмоқда. Бу борада айниқса 1995 йилда ташкил этилган Қуролли Кучлар академияси гоёт муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Шунингдек, армиянинг асосий таянчи бўлган сержантлар корпусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Сержантларни ўқитиш 2001 йилда илгор халқро стандартлар асосида ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабларида 26 та йўналиш ва мутахассислик бўйича олиб борилмоқда.

Қадрли дўстлар!
Мустақилликка эришганимиздан сўнг фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш тизimini ислох қилиш бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида жамиятимизнинг армияга бўлган муносабати тубдан ўзгарди.

Миллий армиямиз ташкил этилган дастлабки йилларда ҳарбий қисмларни ёш аскарлар билан тўлдирганда жиддий муаммолар мавжуд эди. Собиқ шўро тузумида армияда хизмат қилган катта авлод вакиллари яхши билади, ўша пайтда ҳарбий хизматни ўташ, айниқса, Ўзбекистон ёшлари учун оғир ташвиш ва машаққат эди. Чунки, юртимиз ёшлари асосан қурилиш батальонларига қора ишчи сифатида юбориларди.

Ҳарбий қисмлардаги носоглом маънавий-руҳий муҳит, устак қоидаларга зид бўлган муносабатлар тўғрисида қанча-қанча нақвирун йиғитлар, ота-оналар жабр чеккани – булар ҳаммаси ҳақиқат.

Янги миллий армияни яратишда бундай салбий иллатларга мутлақо чек қўйиш керак эди. Шу мақсадда бир неча йиллар давомида изчил иш олиб борилди. Жумладан, муддатли ҳарбий хизмат бир йил этиб белгиланди, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший шароитлари, озиқ-овқат таъминоти тубдан яхшиланди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, резервга бўшатирилган ёшларнинг ишга жойлашиши ва олий ўқув юртларига ўқишга кириши билан боғлиқ имтиёзлар тизими белгиланди. Буларнинг барчаси ҳарбий жамоаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳит шаклланиб, ёшлар ўртасида ҳарбий хизматнинг нуфузи кескин ошишда муҳим омил бўлди.

Ана шу ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида фуқароларнинг сафарбарлик қақуруви резервдаги ҳарбий хизмати ўташини назарда тутадиган ўзига хос ноёб тизим яратилди. Бу тизимда ёшлар нафақат зарур ҳарбий тайёргарликдан ўтади, балки жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқади. Улар ўзларининг фуқаролик масъулияти, Ватан ҳимоячиси сифатидаги муқаддас йиғитлик бурчини чуқур англаб, ўз юртига фидойи инсон бўлиб етишади.

Бугунги кунда миллий армиямиз минг-миглаб ўғлонларимиз учун чинакам мардлик, фидойилик, ҳақиқий ватанпарварлик мактабига айлانган, ҳеч шубҳасиз, шу йўлда эришган энг катта ютуғимиздир. Бу ҳақиқатни юртимиздаги барча ота-оналар, бутун халқимиз гурур билан, миннатдорчилик билан эътироф этмоқда.

Ҳозирги кунда оналар ўз фарзандларини армияга қўзда ёш, юракда ҳавотир билан эмас, балки меннинг ўғлим ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўлади, деб, юксак ишонч ва фахр туйғуси билан қўзғатмоқда.

Оналар кўнглидаги розилик – бу бутун халқимиз қалбидagi розилик фидосиди, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Хурматли юртдошлар!

Миллий армиямиз ривожланиб бориши билан уни қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш бўйича ҳам кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қўшинлар замонавий ва модернизация қилинган ўқ отар ва оғир қуроллар, вертолётлар, самолётлар, ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари, автомобиль ва бронетехникалар, алоқа воситалари билан таъминланмоқда.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳарбий шаҳарчаларда замон талабларига жавоб берадиган ижтимоий-маиший шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда дастурлар амалга оширилмоқда. Ана шу дастурлар доирасида 15 мингдан ортиқ ҳарбий хизматчилар оиласи уй-жой билан таъминлангани, айниқса, эътиборлидир.

Ҳеч шубҳасиз, биз бу йўналишдаги тизимли ишларни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз.

Мустақиллик йилларида Қуролли Кучлар устидан фуқаролик назоратини амалга ошириш бўйича самарали механизм ишлаб чиқилди. Бу механизм миллий армия фаолиятида очиклиқни таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Шунингдек, ҳарбий қурилиш соҳасидаги сиебатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳарбий хизматчилар ва қақурув ёшидаги фарзандларимизни тарбиялашга фуқаролик институтлари ва жамоат таъкилотларини кенг жалб этишда муҳим роль ўйнамоқда. Мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича Олий Махлис палаталари қўмиталари, Мудофаа вазирлиги ҳузурида 2012 йилда ташкил этилган Жамоатчилик кенгаши бугунги кунда Қуролли Кучлар билан фаол ҳамкорлик олиб бормоқда.

Буларнинг барчаси миллий армиямизни халқимизга, халқимизни миллий армиямизга янада яқинлаштиришдек гоёт муҳим мақсадга хизмат қилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Қуролли Кучларимизни барпо этиш, унинг жанговар қудратини ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилган ҳарбийларимизга, шу эзгу ишга ҳисса қўшган барча юртдошларимизга чуқур миннатдорчилик билдираман.

Муҳтарам дўстлар!
Ҳозирги вақтда жаҳонда ва минтақамизда ҳарбий-сиёсий вазият кескин ўзгариб, миллий ва глобал хавфсизлик соҳасида хатар ва таҳдидлар тобора кучайиб бормоқда. Ана шундай ўта масъулиятли вазият ва ҳаётнинг ўзи эришган барча ютуқларимизни, шу билан бирга, йўл қўйган камчиликларимизни чуқур ва танқидий таҳлил қилишни барчамиздан талаб этмоқда. Шу асосда миллий армиямизни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида пухта ўйланган ва изчил ҳаракатларни давом эттиришимиз даркор.

Биринчидан, миллий хавфсизлик каби ўта муҳим соҳани қонун талаблари асосида бошқариш самарасини ошириш бизнинг устувор вазифаларимиз қаторига қиради. Афсуски, бу соҳадаги қўллаб ҳужжатларимиз ҳозирги давр талабларига жавоб берамапти.

Биз миллий хавфсизлиқни таъминлашда стратегик режалаштириш бўйича аниқ давлат тизimini барпо этишга объектив зарурат сифатида эътиёж сезмоқдамиз.

Ўшбу тизимда доимо янгилашиб борадиган Миллий хавфсизлик концепцияси марказий ўринни эгаллаши шарт. Мазкур концепцияда Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги хос мослашувчанлик ва очиклик тамойиллари, бизнинг яқин қўшнилари билан конструктив муносабатларни ривожлантириш устувор вазифа экани акс эттирилиши даркор. Айни вақтда Ватанимиз мустақиллиги ва суверенитети, халқимизни маданий-тарихий ўзига хослигини асраш бўйича қатъий кўрсатмалар белгилаб берилиши керак.

Шу муносабат билан муҳим бир ёндашувни яна бир бор таъкидлашни ўринли, деб биламан: **ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базаси ва объектларини жойлаштиришга йўл қўймаслик, ҳарбий хизматчиларимизнинг хориждаги тинчликпарварлик операцияларида иштирок этмаслик сиёсатида содиқ қолиш бундан буён ҳам мамлакатимизнинг принципиал позицияси бўлиб қолади.**

Жаҳонда ва минтақда вазиятнинг ривожланиш динамикасини ҳисобга оладиган бўлсак, вужудга келадиган хавф-хатар ва таҳдидларга муносиб зарба бериш зарурати, шунингдек, бизнинг устувор вазифа ва имкониятларимиз **Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринасини қайта ишлаб чиқишни талаб этди.**

Фақат ана шундай тизимли ёндашув биз учун миллий хавфсизлиқни таъминлаш соҳасида ягона, мувофиқлаштирилган ва изчил стратегияни ишлаб чиқиш, мавжуд ресурс ва маблағларни устувор мақсадларга йўналтириш, уларни беҳудда сарфламаслик, иккинчи даражали вазифаларга чалиб кетмаслик имконини беради.

Иккинчидан, Қуролли Кучлар қурилишининг ташкилий тизimini янада такомиллаштириш лозим. Ҳарбий қурилиш соҳасида тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ҳар қайси ҳарбий округнинг таркибий тузилиши ва вазифаларини аниқлаш даркор. Бу борада улардан айнан қайси вазифаларни ҳал этиш учун фойдаланиш кераклиги, қўшинларнинг қўлланishi ва шунингдек, операцияларни ўтказиш йўналишлари бўйича ўзига хос ҳусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шу билан бирга, бизнинг “ҳаво қалқонимиз” – Ҳаво ҳужумидан мудофаа ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўшинларини оптималлаштириш вазифаси ҳам катта эътибор ва ресурсларни сафарбар этишни талаб қилади.

Қисқа муддатда уларнинг ташкилий тузилиши ва бошқарув тизimini такомиллаштириш, шунингдек, уларни замонавий техника ва қурол-яроғ билан таъминлаш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш лозим.

Учинчидан, қўшинларни тайёрлаш борасидаги тадбирларни режалаштиришга оид янги ҳа ёндашувни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу тадбирлар авваламбор ҳарбий бўлинулмаларга юкланган вазифаларга, уларнинг тайёргарлик ва таъминланиш даражасига мос бўлиши зарур.

Биз учун бу борадаги яқуний мезон – амалий натижа, яъни, бутун эътиборли Қуролли Кучларнинг жанговар қобилияти ва тайёргарлигини реал оширишга, уларнинг юқори даражадаги уюшқоқлиги ва самарали ҳамкорлигига қаратишдан иборат.

Тўртинчидан, барча бўғиндаги профессионал ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизimini такомиллаштириш бизнинг эътиборимиз марказида бўлиб қолиши зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мутлақо янги Қуролли Кучлар академиясини ташкил этиш бу йўналишдаги биринчи қадам бўлиши даркор. Ўшбу ўқув маскани Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг шонли ҳарбий аъналарини ва ҳозирги мавжуд академия ҳамда мамлакатимиздаги етакчи илмий-таълим муассасаларида тўпланган фаолият тажрибасини ўзига қамраб олиши керак.

(Давоми 2-бетда)

2017 йил 14 ЯНВАРЬ, ШАНБА

ОҚШОМИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ешларни миллий истиқлол гоёси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, юқори малакали кадрларни тайёрлашдаги алоҳида хизматлари, давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш ишига қўшаётган салмоқли ҳиссаси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун фахрий унвон берилсин:

**“Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийси”**

Маллабоев Абдусаттор Убайдуллаевич
– Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизлиқни ва давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ҳамда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

**I даражали “Шон-шараф”
ордени билан**

Хамраев Абдулла Адхамович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**II даражали “Шон-шараф”
ордени билан**

Усмонов Лазизжон Собиржон угли – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Қадиров Дониёр Бахтиёрович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бошқарма бошлигининг ўринбосари

“Дўстлик” ордени билан

Аминов Одил Шадиевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

Голубенко Алексей Юрьевич – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти кафедраси катта ўқитувчиси

Нуржанов Бахитжан Муратжанович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Угай Алексей Платонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

“Мардлик” ордени билан

Азизов Санжар Ханжарович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Музаффаров Ашрафжон Мирзаевич – Бухоро шаҳар Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

Мўминов Қаҳрамонжон Абдуқосимович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара райони бошлиғи

Рахимов Мансур Муртазокулович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Рахматов Борис Акбарович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги хизмати бош муҳандиси

Тоиров Умид Усмонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Тураев Бобур Негматжонович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Хужаев Мамасоат Чориевич – Сўрхондарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Сариосиё тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

Юнусов Ислам Сохибович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

(Давоми 2-бетда)

МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИЛАРИ



**“Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида
13 январь кун қуролли кучларимиз ташкил
этилганининг 25 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан
ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали маросим
бўлиб ўтди.**

Тинчлик ва осойиштагимиз посбонлари – ҳарбийлар байрами мамлакатимизда ҳар йили кенг нишонланади. Бу юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва барқарорлик самарасидир.

...13 январь кун эрталаб Мустақиллик майдонида Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси вакиллари саф тортиди.

Ватан ҳимоячилари ҳарбий оркестр мусика садолари остида ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

...“Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи байрамона безатилган. Бу ерга се-

наторлар, депутатлар, ҳукумат аъзолари, аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, ота-оналар ва кенг жамоатчилик вакиллари тақдир қилинган.

Байрам тадбирини Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларини самимий табриқлади.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ишончим комил, бу академия ҳарбий таълимнинг ягона тизимида ҳақиқатан ҳам асосий ўринни эгаллайди, том маънода ҳарбий илм-фан марказига айланади. Академияда лейтенантлар тайёрлаш, фаолият кўрсатган офицерлар малакасини ошириш ва шунингдек, армиямиз бошқарув таркибидagi кўмондонлик кадрларини махсус тайёргарликдан ўтказиш давом эттирилади.

Бу вазифани амалга оширишда биз таълим жараёнига энг янги усул ва технологияларни жорий этишимиз, ўқув аудиторияларини замонавий тренажерлар, ўқув ва лаборатория асбоб-ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлашимиз лозим.

Академия тингловчиларининг умумий маданиятини ошириш, уларнинг дам олиши ва спорт билан шуғулланиши учун барча қулай шароитларни яратишимиз даркор.

Бу жараёнда ҳарбий билим юртида ҳақиқатан ҳам таълим олишга муносиб, юксак ақл-заковат ва етакчилик қобилиятига эга бўлган ёшларни аниқлаш учун уларни ўқишга таллаб олишда талабни ошириш лозим. Шу мақсадда мамлакатимизнинг ҳар бир минтақасида икки-учтадан коллеж ва лицейни белгилаб қўйиш керак. Ана шу коллеж ва лицейлар ўзларининг асосий вазифалари билан бирга, олий ҳарбий ўқув юртига кирадиган ёшларни чуқур тайёрлаш билан ҳам шуғулланади.

Бундан ташқари, барча олий ҳарбий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркибини тайёрлаш, жумладан, уларнинг хориждаги етакчи олий таълим муассасаларида малака ошириш имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бешинчидан, қўшинларни замонавий қурул-яроғ ва ҳарбий техника билан қайта таъминлаш — бугунги ва истикболдаги энг муҳим вазифамиздир.

Афсуски, бу масала биз кутган даражада жадал суръатлар билан амалга оширилмапти.

Шу муносабат билан биринчи галдаги вазифа сифатида 2017-2021 йилларга мўлжалланган комплекс дастур ишлаб чиқишимиз керак. Унда ҳарбий аҳамиятга эга махсусотлар сотиб олиш, мавжуд техника воситаларини таъмирлаш ва модернизация қилиш, бу борадаги ишларни мақсадли молиялаштириш бўйича аниқ тадбирлар кўзда тутилиши даркор.

Мамлакатимизда **ҳарбий санаят мажмуасини барпо этиш** вақти келди, деб ҳисоблайман. Шу нуқтаи назардан, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов бошчилигида мудофаа санаяти соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш учун масъул бўлган тегишли давлат органини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш керак. Унинг таркибига Мудофаа вазирлигининг таъмирлаш бўйича барча қўрғонларини, шунингдек, Чирчиқ авиация таъмирлаш заводи ҳамда ўқ-дори тайёрлайдиган "Восток" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини ўтказиш зарур.

Келгусида ана шу қўрғонлар фаолияти самарадорлигини ошириш билан бирга, илмий-ишлаб чиқариш базасини яратиш, сервис марказлари ва қўшма қўрғонлар ташкил этишга, шунингдек, мамлакатимизнинг етакчи қўрғонларида ҳарбий аҳамиятга эга бўлган айрим турдаги махсусотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Олтинчидан, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш диққатимиз марказида бўлиши даркор. Бу соҳада қабул қилинган давлат дастурини амалга ошириш бўйича янги механизмларни ишлаб чиқиш объектив заруратга айланганини бугун яққол ҳис этмоқдамиз.

Шу мақсадда хизматни ўташ тартиби, фронт орти таъминоти, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга қаратилган, қўнган бўён ҳаёт талабига айланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишни тезлаштириш муҳим аҳамиятга эга. "Ҳарбий хизматни, ички ишлар ва божхона идораларида хизматни ўтаган шахслар ҳамда уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилиш зарур, деб ҳисоблайман.

Маълумки, мамлакатимизда жорий этилган, яқна тартибда уй-жойлар қуриш учун узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш бўйича янги тизим бугунги кунда ижобий натижа бермоқда.

Ана шу тизимни ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш бўйича ҳам кенг жорий этиш зарур.

Шу йилнинг ўзига мамлакатимизнинг барча минтақаларида ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун уларга имтиёзли ипотека кредитлари бериш йўли билан уч қаватли 56 та уй-жой биносини барпо этамиз.

Еттинчидан, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича узлуксиз олиб бориладиган ишлар биз учун долзарб аҳамиятга эгадир.

Барчамизга яхши маълумки, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам фуқароларимизда бизга мутлақо ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш ва Ватанимиз тақдирини унвон масъулият туйғусини мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни қўришимиз шарт.

Ана шу мураккаб ишда армия сафарида мардлик ва матонат, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш мактабини ўтаган навқирон ўғлонларимиз ишончли таняч ва суянч бўлиб хизмат қилади.

Шу муносабат билан мудофаа ишлари бўйича бошқарма ва бўлимлар бундай ёшлар билан доимо алоқада бўлиши керак. Мазкур бошқарма ва бўлимларнинг бу йўналишдаги ва маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорлик қилиш соҳасидаги ваколатларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу борада Бош вазир А.Н.Арипов бошчилигида муддатли ҳарбий хизматни ва сафарбарлик чакириви резервидаги ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича республика комиссиясини, жойларда эса бевосита ҳокимлар раҳбарлигида вилоят, шаҳар ва туман комиссияларини ташкил этиш яна бир амалий қадам бўлур эди.

Сизларга яхши маълумки, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича кўпгина ютуқларга эришмоқда. Шунинг эътиборига олган ҳолда, вилоят ҳокимликлари таркибидида ушбу кенгашнинг минтақавий бўлимларини тузиш орқали унинг имкониятларини кенгайтириш зарур. Бу бўлимларнинг ишини ҳарбий округлар кўмондонлиги билан яқин ҳамкорликда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Кадрли дўстлар!

Ҳозиргина баён қилинган барча вазифаларни қатъий ва изчил амалга ошириш биздан миллий армиямизни янада ислоҳ этиш, унинг салоҳияти ва жанговар қобилиятини ошириш бўйича тизимли ишларни давом эттириш ва чуқурлаштириш борасида бутун куч ва имкониятларимизни сафарбар этишни талаб қилади. Айнан шунинг учун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг бошқа соҳалари каби ушбу йўналишдаги долзарб вазифалар ҳам ҳозирги кунда ишлаб чиқилаётган **Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш Ҳаракат стратегиясида** аниқ белгилаб берилмоқда.

Ана шу ўта муҳим ҳужжатга биноан мудофаа соҳасидаги қўнчилик базаси, қўшин гуруҳларининг жанговар таркиби, ташкилий тўзилмаси, ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва уларнинг сафини тўлдириш самарадорлигини ошириш чоралари қўрилади. Шунингдек, қўшинларни замонавий қурул-яроғ ва техника билан қўрғонлаштириш ҳамда уларни ҳар томонлама таъминлаш масалаларини яхшилашга йўналтирилган аниқ чора-тадбирлар қабул қилинади ва амалга оширилади.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Мана шу кутлуг айёмда ҳарбий соҳада ўзининг масъулиятли ва шарафли бурчини муносиб адо этаётган мард ўғлонларимиз — аскар ва офицерлар, барча Ватан посбонлари, уларнинг ота-оналарига ўз номидан, халқимиз номидан самимий миннатдорчилик билдирман.

Сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни бугунги улуг байрам — Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 25 йиллик санаси билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод этаман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилаларингизга бахту саодат, Ватани ҳимоя қилишдек олижаноб фаолиятингизда куч-ғайрат ва ютуқлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

“Жасорат” медали билан

Абляхсанов Дилиер Кахрамонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

Адилов Фаррух Фархатович (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм отряди техник

Алланязов Алишер Юлдашбаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Аманов Равшан Анаварович — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳи командири

Артиков Адилбай Узакбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар ички ишлар бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари

Асқаров Абдуманнон Абдурашидович — Фарғона вилояти Қўқон шаҳар ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

Ахмедов Шерзодбек Хасанович — Андижон вилояти Балиқчи тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлимидаги тезкор вакили

Баймуратов Зафар Рахимович (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм отряди мутахассиси

Баратов Абдуназар Исабаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

Бозоров Икром Эргашевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи секцияси командири

Гапиров Дилшод Равшанбекович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси командирининг ўринбосари

Гиссов Саидмурод Саидқабарович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Гулдаев Отабек Келсинович — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Гуломов Зухриддин Шамсидинович (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Жуманиязов Илхом Аширбаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи секцияси командири

Закиров Шерзод Алишерович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмонданининг гуруҳи вазод командирининг ўринбосари

Зокидов Рустам Хамроевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Иргашев Бахром Илхомджонович (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмонданининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара райони штаби бошлигининг ўринбосари

Кодиров Ахмадхон Хатамбоевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Қудратов Доврон Бахромонович — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

Қушаков Фарход Хасанович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Қозоқов Саломхиддин Нуриддинович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми бўлимидаги командири

Маматраимов Урол Маматмуродович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мамитов Джахонгир Бахадирович — Давлат божхона қўмитаси Тошкент шаҳар божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

Мансуров Галиб Мустафакүлович — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ёрдамчиси

Мирзаев Темурмалик Нағматилло угли — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмонданининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳи йўриқчиси

Муродов Дилшод Солижонович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тез ҳаракат қилиш республика кўп тармоқли маркази йўриқчи-қўқарувчиси

Надиров Мирзабек Шиббаевич — Самарқанд шаҳар Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бўлимидаги бошлиғи

Нахметов Зухриддин Икромович — Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми бўлимидаги командири

Неъматов Икболжон Исмоилов — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Отажанов Батир Наримбаевич — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Отамирзаев Улугбек Абдуғофурович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси

Раҳманов Акмал Рашидович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Раҳмонов Элёр Илёсович — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Романов Сабит Азатович (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бошқармаси хизмати бошлиғи

Сафаров Феруз Саматович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Темиров Аззам Янгилбоевич — Давлат божхона қўмитаси Жиззах вилояти божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими бошлиғи

Тоғоев Тулқин Асадилаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

Усманов Аскар Шуқруллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Файзаев Акбаржон Аминович (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ҳамзаев Жамолхон Махаматсалиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмонданининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳи командири

Хасанов Дилшоджон Рахмидинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Чориев Элёр Ахматович (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмонданининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби хизмати бошлиғи

Шарилов Азизбек Рустамович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Эргашев Дилшод Васиевич — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Юлдашов Зарипбай Қурбанбаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Юнусов Нодирбек Абдужабарович (марҳум) — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Якубов Султан Нематжанович (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бўлими катта офицери

“Содиқ хизматлари учун” медали билан

Абдиев Аббор Абдумуталович — Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Аденов Бекзод Эркабоевич — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Махсус авиация-тиклаш бошқармаси бошлиғи

Акрамов Хайрулло Расулжонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин кўмондонлиги билим юрти кафедраси катта ўқитувчиси

Арақелов Андриак Геннадиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби Бош бошқармаси бўлими катта офицери

Асроров Хуршидбек Комилов — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмати катта мутахассиси

Ахмадиллаев Фазилддин Низомиддинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бошқармаси бўлими катта офицери

Ахоров Умеджон Зайнуллоевич — Самарқанд вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси тиббий-биологик муҳофаза бўлимидаги бошлиғи

Ачилов Наби Мамарамович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

Бабаходжаев Равшан Тавакалович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлимидаги бошлиғи

Белоглазов Дмитрий Валерьевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бўлими бошлигининг ўринбосари

Вакилов Акбар Рахматуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмонданининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби вазод командири

чи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби вазоди назоратчиси

Еркебаев Андрей Темирович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Исанов Валерий Рахимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бошлигининг ўринбосари

Исмомов Анаваржон Абдуманнонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм секцияси командири

Каршибаев Юсуфали Джумакулович — Қарши ҳарбий госпитали бўлимидаги бошлиғи

Киличов Нормулин Назарович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси кафедраси бошлигининг ўринбосари

Кучкаров Шухратжон Кузиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бўлимидаги бошлиғи

Матанов Рахматулло Каримович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнгин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи

Махматмуродов Собир Бекмуродович — Навоий вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Обидов Асхат Замирович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Пардаев Акрам Абдуваҳобович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби вазоди командирининг ўринбосари

Пормонов Бахтиёр Пулатович — Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Ражабов Отабек Аликулович — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жазони икром этиш колонияси бўлими бошлиғи

Рустамов Илхомжон Хамроевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти кафедраси катта ўқитувчиси

Сапаров Акрам Умирзакович — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ёрдамчиси

Султонов Эрмаг Эргашевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Тирхашев Отабек Шерматович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм штурман-учувчиси

Тошев Анавар Рахмонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ хизмати бошлиғи

Тўғрунбоев Нодир Турсунович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Турсунов Шухрат Хамроевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм тиббий пункт йиғир-шифокори

Узақов Муҳиддин Исмоилжонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Халимов Шерали Абдуғафорович — Тошкент вилояти Янгиқўрғон тумани ички ишлар бўлими эксперт-криминалистика бўлимидаги бошлиғи

Хасанбаев Рустам Хабибуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош бошқармаси бўлими бошлиғи

Эрманов Аҳмад Рахматуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Эрназаров Азизжон Хасанович — Ўз

МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИЛАРИ

(Давоми. Бош 1-бетда)

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов фармони билан 1991 йил 6 сентябрда Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилган. Давлатимиз раҳбарининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган қарорига мувофиқ республикамиз ҳудудда жойлашган барча ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон Республикасининг ҳукукий тасарруфига ўтказилган.

Ана шу тарихий кун – 14 январь мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари кунли сифатида кенг нишонлаб келинмоқда.

Ўтган вақт мобайнида Қуролли Кучларимиз ташкилий ва таркибий жиҳатдан такомиллашди. Тузилмаларнинг ҳаракатчанлиги, жанговар қобилияти, ҳарбийларнинг жисмоний ва маънавий тайёргарлиги ошди. Қисм ва бўлинмалар замонавий қурол-яроғ ва жанговар техника билан таъминланди.

